

## ЎЗМА НУТҚ МЕЪЁРЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛЛАР

**Шерматова Гузал Абдусаттаровна**

Ахборот-ресурс маркази раҳбари

Давлат тилида иш юритиш фани ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада ёзма нутқ меъёрларини белгиловчи муҳим омиллар ҳамда уларни қўллашнинг ўзига хос масалалари ёритилган. Бундан ташқари ёзма нутқ меъёрларини белгиловчи муҳим омиллари юридик кадрларни тайёрлаш ҳамда юридик соҳага қўлаш масалалари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлиллار натижасида ёзма нутқ меъёрларини юридик соҳага қўлаш юзасидан бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

*Калит сўзлар:* ёзма нутқ, адабий меъёрлар, тил меъёрлари, юридик тил, юридик нутқ, юридик ёзма нутқ, ёзма нутқ меъёрлари.

## ВАЖНЫЕ ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ НОРМЫ ПИСЬМЕННОЙ РЕЧИ

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье рассматриваются важные факторы, определяющие нормы письменной речи, а также конкретные вопросы их применения. Кроме того, были проанализированы важнейшие факторы, определяющие нормы письменной речи, вопросы подготовки юридических кадров и их применения в юридической сфере. В результате этого анализа был разработан ряд предложений и рекомендаций по применению норм письменной речи в юридической сфере.*

*Ключевые слова:* письменная речь, литературные нормы, нормы языка, юридический язык, юридическая речь, юридическая письменная речь, нормы письменной речи.

## IMPORTANT FACTORS DETERMINING THE NORMS OF WRITTEN SPEECH

### ABSTRACT

*This article discusses the important factors that determine the norms of written speech, as well as specific issues of their application. In addition, the most important factors determining the norms of written speech, issues of training legal personnel and their application in the legal field were analyzed. As a result of this analysis, a*

*number of proposals and recommendations were developed on the application of the norms of written speech in the legal field.*

**Keywords:** *written speech, literary norms, norms of language, legal language, legal speech, legal written speech, norms of written speech.*

## **КИРИШ**

Ёзув жуда қадимийдир ва вақт жиҳатидан чегараланмаган. Зеро, Хоразмий, Ибн Сино ва Навоийнинг асарлари ёзувда акс этгани учун ҳам шу кунгача сақланган. Ёзув макон ва ҳудуд жиҳатидан чексиздир. Ёзув кўриниб турувчи далилий ашёдир. Ёзув инсон тафаккурининг энг олий меваларидан бири ҳисобланади. Ёзув орқали биз аждодларимизнинг маънавий дурдоналаридан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда, ўзимиз яратаётган маънавий бойликларимизни келажак авлодларга қолдираемиз. Тил, яъни нутқ учун зарурий қурол-аслаҳа талаб қилинмайди. Ҳолбуки, ёзув учун қалам, қоғоз, ёруғлик талаб этилади. Нутқнинг ёзма ва оғзаки шакллари ҳам бор.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Юриспруденсия тармоқларига оид орфографик, лексик, грамматик ва услубий хусусиятлар юридик тилдир. Таниқли ҳуқуқшунос олим профессор А.Х.Саидов таъкидлаганидек, “Юридик тил – кўп минг йиллик тараққиёт ва кўп авлодлар тажрибаси маҳсули”<sup>1</sup>

“Ҳуқуқ ривожланишининг тарихийтажрибаларини ўзида мужассам қилган юридик тил инкор этиш мумкин бўлмаган қадрият, ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир”.<sup>2</sup>

Юридик тил ўз моҳиятига кўра бир неча турларга, яъни қонун тили, илмий юриспруденсия тили, суд тили, ҳуқуқшунос-педагог тили, ҳуқуқшунос-публицист тили, прокурор тили, адвокат тили каби гуруҳларга бўлинади.<sup>3</sup>

Юриспруденсия тармоқларига оид лексик-грамматик хусусиятлар умумийлиги билан бир-бирига яқин турса-да, лекин ўзига хос хусусийликларга ҳам ега бўлади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган (тараф, тарафларнинг тортишуви, даъво қўзғатиш, ҳал қилув қарори, даъвони таъминлаш) терминлар жинойт ҳуқуқида қўлланилувчи терминлар (фирибгарлик, генотсид, номусга тегиш, терроризм)дан тубдан фарқ қилади.

<sup>1</sup> Саидов А., Сарқисьянс Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: Адолат, 1994, 5-бет

<sup>2</sup> Саидов А., Юридик тил хусусиятлари. // Қонун ва тил. Т.: 1997, 64-бет.

<sup>3</sup> Саидов А.Сарқисьянс Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.:Адолат, 1994, 5-бет

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ёзма нутқ кўпинча монологик характерда бўлиб, батафсиллиги, мулоҳазамушоҳадага кенг ўрин берилганлиги, нутқ маданияти меъёрларига риоя қилиши билан ажралиб туради (бадий адабиётдаги айрим индивидуал нутқ намуналаридан ташқари). Ёзма нутқ оғзаки нутқдан сўнг ёзув таъсирида пайдо бўлган бўлиб, адабий тилнинг имловий, пунктуатсион, услубий қонун-қоидаларига бўйсунувчи график шаклдаги нутқдир. Ёзма нутқнинг мазмуний бўлаклари, гаплар, уларнинг қисмлари турли хил тиниш белгилари орқали ажратиб кўрсатилади. Вақтли матбуот, илмий-методик адабиёт (дарсликлар, қўлланмалар, монографиялар, мақолалар), бадий адабиёт, расмий ёзишмалар, ҳужжатлар, хусусий ёзишмалар (хатлар) ёзма нутқнинг кўринишларидир. Адабий тил меъёрларига риоя қилиш, тил бойлигидан кенг ва ижобий фойдаланиш ёзма нутққа хос.

Ёзма нутқ доирасига илмий нутқ, бадий нутқ, шунингдек, ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари учун тузилган ёзма матнлар киради. Ёзма нутқ маданияти ҳар бир кишидан ўз фикр-мулоҳазаларини тилнинг имловий-грамматик қоидаларига, адабий тил меъёрларига риоя қилган тарзда ифодалашни талаб қилади. Тилнинг барча мавжуд воситалари ва улар имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда ўринли, тўғри фойдаланилган ҳолда тузилган маданий нутқдир. Нутқ маданияти эса ана шу тилни – алоқа-аралашув куролини ишлатишга бўлган муносабатдир. Ёзма нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок этиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳорати, тилнинг ифодавий воситаларидан мазмун ва услубга кўра нутқий вазиятга қараб ўринли фойдалана билишдир.

### **Ёзма нутқнинг юрист касбий фаолиятидаги ўрни.**

Юридик тил адабий тилнинг таркибий қисми, ўзига хос кўринишга ега тил бўлиб, асосан, қонунчилик ва расмий доирада қўлланади. Яъни юридик тил ўзига хос луғавий бирликлари, гап қурилиши, услубий жиҳатлари ҳамда ҳуқуққа оид тушунчаларни ифодаловчи терминлари билан ажралиб туради. Барча ҳуқуқ манбалари юридик тилда ёзилади. Тергов жараёни, суд, адвокат фаолияти, қонунлар ифодаси ҳам юридик тил асосида ўз инъикосини топади. Юридик тил ҳар хил беўрин қайтариқлар, сўз такрорлари, тушунилиши қийин ифодалар ҳамда ортиқча сифатлашлар, кўчма маъноли сўзлардан холи бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги юридик ўқув юртларининг ўқув режасига “Юристининг ёзма нутқи” фанининг киритилиши замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш

мақсадини назарда тутати. Фаннинг мақсади бўлажак юристларнинг маъмурий-ҳуқуқий соҳада касбий ва шахслараро муомала маданияти кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, маълум ҳуқуқий вазиятларга мувофиқ касб нутқидан онгли фойдаланиш малакаларини такомиллаштиришдан иборат. Бу фан юристлар фаолияти билан боғлиқ, расмий ҳужжатлар (сўроқ қилиш, суд жараёни билан боғлиқ протсессуал ҳужжатлар) тузиш малакасини шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш, ҳуқуқ маданиятини тарғиб қилиш ва ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий мафкура ғоялари билан қуроллантириш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш бевосита бўлғуси юрист-кадрларнинг саводхонлигига боғлиқ бўлиши табиийдир. Шундай экан, бўлғуси юристларнинг ихтисосликка оид барча фанлар қаторида “Юристинг ёзма нутқи” фанини ҳам зарур даражада ўрганишини тақозо этади.

Тўғри, аниқ, изчил ва тушунарли ёза олиш учун тил бойликларидан мазмунга мос сўзни танлай олиш қобилиятини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун сўзни ўринсиз такрорламаслик, сўз шаклини, гап турини тўғри қўллаш, ҳар бир услубнинг ўзига хос белги ва мезонларини онгли идрок қилиш мақсадга мувофиқдир. Юристар қонунлар матнларидаги юридик терминлар моҳиятини тўғри англаб етишлари ва уларни ўз ўрнида қўллашга риоя қилишлари зарур.

Ушбу қоидаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

1. Юристинг ёзма нутқи юридик тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш асосида юриспруденсия доирасида саводли нутқ туза олиш маҳоратидир.

2. Юристинг ёзма нутқи тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда ҳуқуқ соҳасида мақсадга мувофиқ ёза олиш санъатидир.

3. Юристинг ёзма нутқи бу раво ва мазмунли, оддий ва тушунарли ёзиш маданиятидир.

Бўлажак юристаримиз нутқ маданиятининг юқорида эслаб ўтилган талабларига ҳар доим риоя қилишлари лозим. Чунки ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари давлатнинг рамзидир. Уларнинг муомала, ёзма нутқ маданияти юқори даражада бўлиши шарт. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган ўқувчининг нутқи ночор, фикрлаш қобилияти паст бўлади. Ёзма иш жараёнида ўқувчи мушоҳада қилишга, фикрлашга мажбур бўлади. Бундай ёзма ишлар бир томондан, ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам берса, иккинчи

томондан, унинг мантикий изчил жумлалар, матнлар туза олиш маҳоратини ривожлантиради, сўз танлаш малакаларини такомиллаштиради. Кўп ҳолларда аксарият ўқувчиларда мустақил жумлалардан матн туза олиш, бир фикрни иккинчи фикрга боғлай олиш малакалари суст бўлади. Сўз бойлиги ночор, сўз қўллаш қобилияти ривож топмаган, тузаётган жумлалари ғализ ва норавон бўлади. Ёзма иш машқлари айнан ана шу камчиликларни бартараф этади.

### **Ёзма нутқнинг имловий меъёрлар.**

1993-йил 2-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Қонун қабул қилди. Бу алифбо 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгисидан иборат эди. Янги алифбодаги баъзи ҳарфлар жаҳон алоқа-аралашув (коммуникация) тизимида киришимизда маълум қийинчиликлар туғдириши мумкинлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995-йил 6-майда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга биноан, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 ҳарф ва 3 ҳарфлар бирикмасидан иборат этиб белгиланди. Янги алифбо асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 24- августдаги 339-сонли қарорига илова тарзида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” тасдиқланиб, унда ҳарфлар билан товушлар мутаносиблиги, асос ва қўшимчалар имлоси, кўшиб ёзиш, чизикча билан ёзиш, ажратиб ёзиш, бош ҳарфлар имлоси, кўчириш қоидалари ўз ифодасини топган.

Бу имло қоидалари 1956-йил 4-апрелдаги “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”дан тубдан фарқ қилади. Жумладан, товуш–ҳарф муносабатига бағишланган қисм қайта ёзилган, морфологик тамойилга асосланиш нисбатан ортган: -гин, -гина қўшимчалари уч хил ёзилиши қоидалаштирилган; жуфт сўз қисмлари орасида -у (-ю) боғловчиси келса, ундан олдин чизикча қўйиладиган бўлган; тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса, -нчи қўшимчаси ўрнига чизикча (-) қўйилиши йил ва ойларни кўрсатувчи араб рақамларига ҳам татбиқ этилган ва бошқалар. Иккинчи қисми турдош от бўлган географик номлар (Қоратоғ), сифат ва атоқли отлардан тузилган географик номлар (Шимолий Кавказ) ёзилиши каби айрим қоидалар анча ихчамлашган.

### **Ёзма нутқнинг пунктуатсион меъёрлар.**

Ёзув маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда пунктуатсиянинг – тиниш белгиларининг алоҳида аҳамияти бор. Тиниш белгилари ёзувнинг бошқа воситалари ҳамда тил бирликлари билан кўрсатиш мумкин бўлмаган турлича фикрий муносабатларни, психологик ва интонатсион

ҳолатларни ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Пунктуатсия тилнинг синтактик қурилиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ёзма нутқни тўғри, ифодали, аниқ баён қилишда, унинг услубий равонлигини, тез тушунилишини таъминлашда бениҳоя зарурий воситадир.<sup>4</sup>

### **Ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари/**

Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва санъатга оид тушунчаларнинг аниқ номини билдирувчи бир маъноли сўз ва бирикмалар терминлар дейилади. Сўз кўп маънога, яъни қўшимча маъноларга эга бўлади, лекин термин бундай хусусиятга эга эмас. Термин ҳам сўз, аммо у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланади. Термин маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида қўлланилади. Масалан: даъво, айбланувчи, босқинчилик, ретсидив жиноят, генотсид, терроризм, васийлик, сенат, спикер каби терминлар юриспруденсия тармоқларида учрайди.

Терминлар йиғиндиси ва шу терминларни ўрганувчи соҳа терминология дейилади. Термин грекча терминос сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради. Қонун тили лексикасини, асосан, терминлар ташкил этади. Лекин ҳар қандай юридик тушунчаларни ифодалаш учун терминлар олдига маълум талаблар ва меъёрлар қўйилади. Бу терминнинг моҳияти ва табиатидан келиб чиқади.

Терминларнинг умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланадиган ўзига хос хусусиятларини қуйидагича изоҳлаш ўринлидир:

1. Сўзлар фан ва техниканинг маълум тармоғида қўлланилиб, истеъмол доираси чегараланган маънода ишлатилса, терминларга айланади. Масалан, сув, туз, айлана, гувоҳ, зарар, тухмат, кўрқитиш каби умумистеъмолдаги сўзлар фан соҳаларида илмий-расмий маъноларни ифодалаб, ҳозирги кунда терминлар тизимида кирган. Гувоҳ сўзи умумхалқ тилида бирор воқеа-ҳодиса рўй берган пайтда шахсан бўлган, уни ўз кўзи билан кўрган киши маъносини англатса, юридик терминлар тизимида жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида қонунда белгиланган тартибда сўроқ қилинадиган шахс. Тухмат сўзи умумистеъмолда бировни ноҳақ айблаш ёки қоралаш, номини ёмонга чиқариш мақсадида ўйлаб чиқарилган 47 асоссиз даъво; бўхтон. Масалан, Тухмат тош ёради, тош ёрмаса, бош ёради (Мақол). Бу сўз юриспруденсияда юридик термин сифатида шахснинг кадр-қиммати ва орномусига қилинадиган тажовуз маъносини англатадиган жиноят номидир (ЖК, 139-модда).

<sup>4</sup> Ўзбек тили пунктуатсиясининг асосий қоидалари., Т., “Ўзбекистон”, 2015, 4-б.

Бундан ташқари жазо, жарима, кўздан кечириш, мулк, омонат, топшириқ, қарздор, ҳадя, шикоят, даъво каби умумистеъмолдаги сўзлар ҳам юриспруденсиямизда юридик тушунчаларни билдиради. Бундай сўзлар чегараланган соҳада қўлланилиб, терминологик маъно касб этади.

2. Термин номинатив вазифани бажаради. Терминнинг маъноси адабий тил меъёрлари доирасида тушунчага тенг бўлади. Чунки бир терминологик тизимда термин бир маъноли (моносемантик) бўлгани учун унинг маъноси тушунчага тенг келади. Яъни терминлар бир маънони ифодаловчи махсус расмий сўзлардир. Кўп маъноли биргина сўз эса бир неча тушунчани ифодалайди. Масалан, кўз – киши аъзоси; узукдаги безак; ёғочдаги белги; булоқнинг сув чиқадиган жойи каби тушунчаларни англатади.

3. Термин аниқ, конкрет тушунчаларни билдириб, ҳис-ҳаяжон маъноларидан холи бўлади. Сўзнинг маъноси мураккаб бўлиб, унда тушунча қўшимча маъно ва услубий белгиларга эга бўлади. Шу боис тилда бир тушунчани англатадиган синонимлар турли маъно қирралари ёки услубий қўлланилиши билан бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, инсон, одам, киши, шахс, башар, фуқаро сўзлари бир умумий тушунчани билдириб, синонимлар ҳисобланса-да, бироқ турли маъно қирраларига кўра бир-биридан фарқланади: давлат фуқароси дейиш мумкин; давлат инсони ёки давлат шахси деб бўлмайди.

4. Бир сўз бир неча соҳанинг термини бўлиши мумкин. Лекин бундай сўзлар фаннинг ҳар бир соҳасида алоҳида тушунчаларнинг номи бўлиб келади. Масалан, топшириқ термини педагогик терминологияда ўқувчилар ёки талабаларга бериладиган вазифа маъносини англатса, юридик терминологияда топшириқ термини ҳуқуқ-тартибот тизимида фаолият кўрсатувчи ходимга юклатиладиган муҳим вазифа маъноларини билдиради. Оператсия термини тиббиётда жарроҳлик билан боғлиқ тушунчани англатса, юридик терминологияда бирор мақсад ёки махсус, махфий топшириқ юзасидан ўтказиладиган тадбир номини билдиради. Баъзан бир тармоқ терминологиясида ҳам омонимлик учрайди. Масалан, юриспруденсияда санксия термини икки маънони англатади: 1) прокурор рухсати; 2) жазо чораси.

5. Терминларнинг яна бир ўзига хос белгиси шуки, терминлар расмийлашган сўзлар бўлганлиги сабабли республика миқёсида, ҳатто дунё миқёсида бир тушунчани англатади. Халқаро терминлар фикримизга мисол бўла олади: импичмент, демократия, республика, президент, парламент, амнистия, депутат, конститутсия, криминология ва ҳ.к. Бундай терминлар Ўер юзининг барча қитъаларида бир хил маънода қўлланади.

6. Терминлар муайян бир соҳага тегишли бўлиб, муайян мутахассислар томонидан махсус қабул қилинган, расмийлашган сўзлардир. Шунинг учун бир тушунчани ифодаловчи терминни бошқа бир сўз билан алмаштириб бўлмайди. Яъни бир тармоқ терминлари тизимида синонимия ёки дублетнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Масалан, ҳуқуқ, бурч, шахс, субъект, юридик шахс, криминалистика, демократ, терговчи, модда, жиноят каби терминларга муқобил вариантлар излаш ножоиздир. Баъзан бошқа терминология соҳаларида бўлгани каби юридик терминлар тизимида ҳам синонимик ҳолатлар кўзга ташланади: судья-қози, прокурор-қораловчи, айбдорайбланувчи, гумондор-гумон қилинувчи, адвокат-ҳимоячи, оқловчи, давлат айбловчиси-давлат ҳимоячиси-давлат қораловчиси каби. Бироқ бундай ҳолат терминологиядаги нуқсон ҳисобланади, чунки терминлар бир маъноли бўлганлиги учун синоним ва дублетлардан холи бўлиши лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби халқаро терминларга ўзбек тилидаги муқобилини танлаш асосида юзага келади. Ваҳоланки, халқаро терминлар дунё миқёсида бир хил қўлланади.

7. Термин соҳа терминлари тизимининг бир элементи бўлиб, ҳар доим бир тизим доирасида қўлланади: васийлик, оила, никоҳни қайд қилиш, фарзандликка олиш, ҳомийлик, алимент, сохта никоҳ кабилар боғланган ҳолда бир тизимни ташкил этади. Бу терминлар тизими юридик терминология 49 занжирининг алоҳида ҳалқаси ҳисобланиб, оила муносабатларини ифодаловчи терминлар тизимини юзага келтирган.

**Ёзма юридик нутқнинг аниқлиги.** Ёзма юридик нутқнинг аниқлиги дейилганда, ифодаланаётган фикрга, воқеликка сўз ва терминларнинг мувофиқ келишидир. Яъни шакл билан мазмун мутлақо мос бўлмоғи нутқнинг аниқлигини 12 таъминлайдиган омиллардир. Нутқнинг аниқ бўлиши унинг шаклланишида иштирок этувчи нафақат лингвистик, балки экстралингвистик омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу эса тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги билан ўлчанади. Табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар ҳамда воқелик билан уларнинг нутқдаги инъикоси ўртасидаги айнан мувофиқлик нутқнинг аниқлигини таъминлайди.

**Ёзма юридик нутқнинг мантиқий изчиллиги.** Нутқда сўзлар ва гаплар ўртасидаги маъновий-мазмуний алоқаларнинг ифодалаётган фикрдаги мантиқий моҳият ва унинг ривожланиб боришига мос келиши нутқнинг мантиқийлиги саналади. Фикр, тафаккур қилиш соғлом бўлса, нутқ ҳам талаб даражасида бўлади. Фикр нотўғри бўлса, нутқ мантиқий жиҳатдан тугал бўлмаслиги аниқ. Грамматик жиҳатдан шаклланмаган нутқ ҳам, нутқда ноўрин



қўлланилган луғавий бирликлар, грамматик шакллар ҳам мантиққа путур йетказади. Агар юрист тилнинг бутун қоидаларини яхши билса-да, ўзи фикр юритаётган мавзуни яхши билмас экан, нутқнинг мантиқийлиги юқори даражада бўлмайди. Зеро, улуғ мутафаккир Форобий тўғри таъкидлаганидек, “Мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради”.

Нутқда мантиқийликка эришиш учун, аввало, бир фикрни иккинчи фикрга боғлай олиш, мавзунинг муқаддима, асосий қисм ҳамда хотима қисмини тўғри жойлаштира олиш, фикр юритилган мавзу юзасидан тегишли хулосалар чиқара олиш маҳоратини шакллантириш зарурдир. Ҳар қандай воқелик юзасидан айтилаётган мулоҳазалар юқорида санаб ўтилган зарурий қисмларга эга бўлади, агар бу қисмлар тартиби ўзгартирилса, мантиқ йўқолиши, мақсад амалга ошмаслиги аниқ. Шунинг учун нутқий мантиқ талабига мувофиқ гаплар ўртасида ҳам изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчиси орқали тўлдирилиши керак. Бу ҳолат маълум бир фикрнинг тугашига қадар давом эттирилиши лозим. Гаплар ўртасида фикрий изчиллик йўқолиши билан мантиқийликка путур йетади.

### **Ёзма юридик нутқнинг таъсирчанлиги.**

Нутқнинг тузилиши, гапнинг ифодали сўз, жумла ва иборалардан таркиб топиши, бадий-тасвирий воситаларига кўра тингловчи диққатини жалб қила олиши нутқнинг ифодалилиги саналади. Сўзнинг турли маъно қирраларини ҳам кўра олишга интилиш, ёзма нутқдаги сўзларнинг фавқулодда уйғунлигини таъминлаш мутахассисдан катта меҳнат талаб этади. Мулоқот вазиятининг моҳиятига чуқур йетмасдан танланган тил бирликлари, ҳар қанча гўзал бўлмасин, нутқ эгасининг мақсадини ифодалай олмайди.

Маълумки, ўзбек тили нутқий воситаларга ўта бой тиллардан биридир. Нутққа ранг-баранглик бериш, нутқий бадийликни кучайтириш мақсадида кўпроқ турли хил тасвирий воситаларга мурожаат қилинади. Ана шу тил воситаларидан ўринли ва унумли фойдалана олган нотикқина киши қалбида ҳислар туғёнини уйғота олади. Тил кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини кенг ва ҳар томонлама ёритиб беришда чегарасиз имкониятларга эга. Лекин ифодаланиши лозим бўлган фикр-мулоҳазаларнинг юқори даражада бўлиши учун тилнинг тасвирий воситаларини, унинг турли хил маъно нозикликларини тинмай ўрганиш лозим бўлади. Ана шундагина қисқа жумлаларда, матнларда

олам-олам фикрларни ифодалай олиш мумкин, чунки сўз ҳар қандай фикрнинг либосидир.

### **ХУЛОСА**

Юқорида айтиб ўтилган меъёрларга амал қилиш нафақат лисоний саводхонликнинг асосини ташкил этади, балки қонунларимизда белгилаб қўйилган моддаларга мувофиқ, жавобгарлик учун жазо қўллашда ҳам ноаниқликларнинг олдини олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёзма нутқ замонавий юристларга саводли ёзиш, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда ёзма шаклларда тўғри, раво ҳамда мантиқан изчил ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилади.

### **REFERENCES**

1. Саидов А., Сарқисянс Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: Адолат, 1994, 5-бет
2. Саидов А., Юридик тил хусусиятлари. // Қонун ва тил. Т.: 1997, 64-бет.
3. Саидов А.Сарқисянс Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.:Адолат, 1994, 5-бет
4. Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари., Т., “Ўзбекистон”, 2015, 4-б.
5. Usmonov S. Yuristning nutq madaniyati. Т., 2007
6. O‘zbek tilining imlo lug‘ati. Tuzuvchilar: Sh.Raxmatullayev, A.Hojiyev.
7. Usmonov S. Davlat tilida ish yuritish amaliyoti – Т., 2008.
8. Mahmudov N, Rafiyev A., Yo‘ldoshev I. Nutq madaniyati va davlat tilida ish yuritish. Т., 2014.
9. A‘lamova M., Ziyamuxamedova Sh. Nutqda aks etar bir olam boylik – Т., 2009.
10. Rafiyev A., Qo‘nishev J. Hozirgi o‘zbek adabiy tili., Т.: 2012.
11. Begmatov E. va boshq. Nutq madaniyati va adabiy norma. Т.: O‘zbekiston, 1987.
12. Ko‘chimov Sh.N. O‘zbekiston Respublikasida qonunchilik texnikasi (til, uslub, huquqiy atamashunoslik). Т.: 1996.
13. Mahmudov N. Til. Т.: Yozuvchi, 1998. 13. Mirtojiyev M. Mahmudov N. Til va madaniyat. Т.: O‘zbekiston, 1992. 14. Ne‘matov H., Bozorov O. Til va nutq. Т.: 1993